Куч — адолатда

2011 йил,
23 июнь,
пайшанба
№ 25 (331)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.supcourt.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!

МАМЛАКАТИМИЗДА МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ 3,5, АҲОЛИ ЖОН БОШИГА ҲИСОБЛАГАНДА ЭСА 2,5 БАРАВАР ЎСДИ, ЎРТАЧА ИШ ҲАҚИ 14 БАРАВАР ОШДИ. ҚАРИЙБ 20 ЙИЛ МОБАЙНИДА ОДАМЛАРНИНГ ЎРТАЧА УМР КЎРИШИ 67 ЁШДАН 73 ЁШГА, АЁЛЛАРНИНГ УМР КЎРИШИ ЭСА 75 ЁШГАЧА ОШДИ.

БУ ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА МАМЛАКАТИМИЗДА АҲОЛИНИНГ, АЙНИҚСА, БОЛАЛАРНИНГ САЛОМАТЛИГИ, ЖИСМОНАН РИВОЖЛАНИШИГА ҚАРАТИЛАЁТГАН УЛКАН ЭЪТИБОР ЎЗИНИНГ ЮКСАК САМАРАЛАРИНИ БЕРАЁТГАНИ НАТИЖАСИДИР. БИРГИНА МАЪЛУМОТ: СЎНГГИ БЕШ ЙИЛДА СПОРТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНАДИГАН 10-14 ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИНГ БЎЙИ ЎРТАЧА 2,3, ҚИЗ БОЛАЛАРНИНГ БЎЙИ 2 САНТИМЕТР ЎСГАН, ВАЗНИ ЭСА ТЕГИШЛИ РАВИШДА 2,6 ВА 2,9 КИЛОГРАММ ОШГАН.



Эзгу мақсадларнинг ҳаётий ифодаси

Юртимизда бугун 2 миллион нафардан зиёд бола спорт билан мунтазам шуғулланишини инобатга олсак, бу кўрсаткич нечоғлик юқори экани янада аён бўлади. 2011 йил 25 февраль куни Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида юртимизда мутлақо соғлом болалар кўрсаткичи 2010 йилда 62,6 фоизга етгани, 2005 йилга нисбатан ўқувчилар ўртасида ўткир респираторли вирусли инфекция билан касалланиш 12,8, пневмония билан касалланиш 15,5, бронхит билан касалланиш 16,2 ва сколиоз билан касалланиш 11,6 фоизга камайгани алоҳида таъкидланди. Бу рақамлар замирида истиқлол йилларида аҳолининг яшаши, турмуш тарзи, болаларнинг овқатланиш рационидаги катта ўзгаришлар мужассамдир.

Буларнинг замирида узоқни кўзлаб амалга оширилаётган сиёсат, хусусан, иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган эътибор мужассам. Кейинги ўн йилда, яъни 2000 йилга нисбатан таққослаганда, 2010 йилда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот қарийб 2 баробар, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 1,7 баробар ошгани ҳам буни тасдиқлайди. Харид имкониятлари мутаносиблигини ҳисобга олган ҳолда санаганда, ялпи ички маҳсулотнинг 2010 йилда 2000 йилга нисбатан ўсиши 2,6 баравар ни ташкил қилди.

Буларнинг барчаси иқтисодиётимизнинг юқори суръатлар билан барқарор ўсиб бораётгани ва мамлакатимизда рўй бераётган улкан ижобий ўзгаришлардан далолатдир.

Маълумотларга кўра, юртимизда ҳар йили 2 миллион тоннага яқин мева етиштирилади. Ҳозир унинг 1 миллион 400 тоннадан ортиғи қайта ишланмоқда. Айни пайтда «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» белгиси билан чиқаётган ўнлаб турдаги сифатли табиий шарбатлар юртимиз боғларидаги мўл-кўлчиликнинг самарасидир. Уларга хорижда ҳам талаб катта. Чунки юртимиз мевалари бетакрор таъми ва шифобахшлиги билан бутун дунёни ҳайратга солади.

Мамлакатимизда жорий йилнинг баҳорида янги боғлар ва токзорларни яратиш ва мавжудларини тиклаш дастури доирасида 14,4 минг гектар майдонда мевали дарахт кўчатлари ва 5,3 минг гектар майдонда токлар экилди, 11,1 минг гектар боғ ва 5,3 минг гектар токзорлар тикланди. Бу мева ва узум етиштириш ҳажмини яқин йиллар ичида сезиларли даражада ошириш имконини беради.

Ҳа, ҳар бир ишда эзгу ва улуғ мақсадларни кўзлаш халқимизга хос фазилатлардан. Зеро, Президентимиз раҳнамолигида бундан йигирма йил илгари олдимизга қўйган улкан мақсадлар ижобати ва натижаси бугун халқимизнинг, ҳар биримизнинг ҳаётимизда ўз ифодасини топмоқда.

Муаттархон РЎЗИБОЕВА

Yangi qonun mohiyati

Тадбиркорлик субъектлари

уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш кафолати

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналиши сифатида тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва янада кўпроқ эркинлик беришга қаратилган изчил ислоҳотлар ўзининг кутилган самарасини бермоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг иқтисодиётимиздаги ўта муҳим ва салмоқли ҳиссаси, роли ва таъсири, содда қилиб айттанда, бошқа ҳеч бир соҳа ва йўналиш ўрнини босолмайдиган катта аҳамияти билан давлат ва жамиятимиз ривожида алоҳида ўрин эгаллайди.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 14 июнда қабул қилинган **"Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармони тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқларини самаралли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ ислоҳотларини янада чуқурлаштиришда муҳим омил бўлмоқда. Мазкур Фармонга кўра, назорат идораларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини камайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида, 2005 йил 1 июлдан бошлаб тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари фақат суд тартибида амалга оширилиши жорий этилди. Бунга қадар тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш ваколатига туман (шаҳар) ҳокимликларидан тортиб барча назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар эга эди.

(Давоми иккинчи бетда)



КИШИЛИК ЖАМИЯТИНИНГ БАРЧА БОСҚИЧЛАРИДА ИНСОНИЯТ ҲАМИША АХБОРОТ ОЛИШГА ИНТИЛИБ КЕЛГАН. ЧУНКИ ХАБАР ВА ЯНГИЛИК ЖАМИЯТДАГИ ЖАРАЁНЛАРНИ ЧУҚУР АНГЛАШГА, ЁН-АТРОФДА СОДИР БЎЛАЁТГАН ВОҚЕА-ҲОДИСАЛАРНИ ТЕРАН ИДРОК ЭТИШГА ВА ПИРОВАРДИДА ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.

27-iyun — Matbuot va ommaviy axborot vositalari xodimlari kuni

Жамият тараққиётининг кўзгуси

Фан ва цивилизациялар тобора ривожланаётган бугунги даврримизда ахборотнинг ўрни ва аҳамияти янада ортмоқда. Бугунги кунга келиб жамиятнинг ахборотлашганлик салоҳияти, жумладан, оммавий ахборот воситаларининг мавқеи мамлакатлар ривожланиши стратегиясини шакллантиришда ва уни бевосита амалга оширишда энг муҳим омилга айланди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Fuqarolik qonunchiligi

Қарз шартномаси

унинг ҳуқуқий белгилари нималарда намоён бўлади?

ХАЛҚИМИЗ ЛАФЗГА ҚАТТИҚ ИШОНАДИ. ЯЪНИ БИРОВГА СЎЗ БЕРДИКМИ, АЛБАТТА, УНИНГ УСТИДАН ЧИҚИШГА ИНТИЛАМИЗ. ЮКСАК ИНСОНИЙ ФАЗИЛАТЛАРДАН БИРИ ҲАМ АСЛИДА АНА ШУ ЛАФЗДА ТУРИШДА КЎРИНАДИ.

Шартнома ҳам лафзга ўхшайди. Жиндак фарқи шуки, лафз, асосан, оғзаки битимга хос бўлса, шартнома томонлар ўртасидаги ўзаро келишиш йўли билан имзоланган қонуний ҳужжатдир. Бунинг устига шартнома мажбуриятларини бажариш мажбурий бўлиб, бу ҳол томонлар зиммасига алоҳида масъулият юклайди.

Ана шундай шартнома турларидан бири бу — қарз шартномасидир.

Қарз шартномаси деб шундай шартномага айтиладики, бунда қонунга асосан бир тараф (қарз берувчи) иккинчи тараф (қарз олувчи)га пул ёки турга хос аломатлари билан белгиланадиган бошқа ашёларни мулк қилиб беради, қарз олувчи эса қарз берувчига бир йўла ёки бўлиб-бўлиб, ўшанча суммадаги пулни ёки ўша қарзга олинган ашёнинг хили, сифати ва миқдорига баравар ашёларни қайтариб бериш мажбуриятини олади.

Амалдаги Фуқаролик кодексининг бирор-бир моддасида қарз шартномасининг таркиби бўйича чеклов ўрнатилмаган. Ҳар қандай жисмоний ва юридик шахслар қарз шартномасининг субъекти бўлиши мумкин.

(Давоми иккинчи бетда)

Mulohaza

Оила — муқаддас маскан

уни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир



«ОИЛАМ ТИНЧ – ВАТАНИМ ТИНЧ» ДЕЙДИ ОИЛАПАРВАР ХАЛҚИМИЗ. ДАРҲАҚИҚАТ, ОИЛА ИНСОННИНГ ҲАЁТИ, ФАОЛИЯТИ, БИР СЎЗ БИЛАН АЙТГАНДА, БУТУН УМРИ ЧАМБАРЧАС БОҒЛИҚ ҲОЛДА КЕЧАДИГАН МЎЪТАБАР МАСКАНДИР.

(Давоми учинчи бетда)

Huquqiy ma`rifat

Ҳадя қилиш — савоб

фақат у қонуний асосда амалга оширилиши керак

МУЛКИЙ МУНОСАБАТЛАРДА ОЛДИ-СОТДИ, АЙИРБОШЛАШ БИЛАН БИР ҚАТОРДА ҲАДЯ ҚИЛИШ ҲАМ МАВЖУД. ҲАДЯ — БИРОН-БИР ШАХСГА АШЁНИ Ё МУЛК ҲУҚУҚИНИ ТЕКИНГА БЕРИШ ЁКИ БИРОН-БИР ШАХСНИ МУЛКИЙ МАЖБУРИЯТДАН ОЗОД ЭТИШНИ ВАЪДА ҚИЛИШ ҲИСОБЛАНАДИ ВА БУ КЎП ҲОЛЛАРДА ҲАДЯ ШАРТНОМАСИ ОРҚАЛИ РАСМИЙЛАШТИРИЛАДИ.

Аниқроқ айтганда, кўчар мулк ҳадя қилинаётганда, фуқаролар ўртасида энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ суммага шартнома тузилаётганда, шунингдек, шартномада келажакда ҳадя ваъда қилинган ҳолларда, ҳадя қилувчи юридик шахс бўлганда шартнома ёзма тарзда тузилиши лозим. Кўчмас мулкни ҳадя қилиш шартномаси нотариал тасдиқланган ва давлат рўйхатидан ўтказилган, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган автотраспорт воситаларини ҳадя қилиш шартномаси эса нотариал тасдиқланган бўлиши шарт.

(Давоми учинчи бетда)

Fuqarolik qonunchiligi

Қарз шартномаси

унинг ҳуқуқий белгилари нималарда намоён бўлади?

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Қарз шартномаси реал ҳисобланиб, тарафлар ўртасида ҳуқуқ ва бурчлар шартнома предмети бўлган пул ёки ашёни топшириш вақтидаёқ вужудга келади ва шартнома шу пайтдан эътиборан тузилган ҳисобланади. Ушбу шартноманинг ҳуқуқий белгиларидан бири шуки, у бир томонлама шартномалар гуруҳига киради. Бундан ташқари мулкка эгалик ҳуқуқининг бир шахсдан иккинчи шахсга ўтиши ҳам айнан ушбу шартнома белгиларидан саналади. Қарз олувчи қарз берувчига қарзни тўлаш вақти келганда фоиз тўлаши шартлиги ва шартнома бўйича фоизлар Фуқаролик кодексининг 734-моддасига асосан амалга оширилиши белгиланган.

Қарз шартномаси билан боғлиқ жиҳатлардан яна бири шундан иборатки, агар қарз суммасини қайтариш муддати шартномада аниқ белгиланган бўлмаса, қарз олган шахс қарзини қайтариш ҳақидаги талабни олган кундан бошлаб 30 кун мобайнида қайтариши шарт. Ёки аксинча, қарздор қарзни муддати тугамасдан аввалроқ тўлаши ҳам мумкин, бундай ҳолда қарз берувчи қарзни қабул қилиши лозим.

Табиийки, бошқа шартномаларда бўлгани сингари қарз шартномасида ҳам қатнашувчиларнинг ҳуқуқ ва бурчлари аниқ белгилаб қўйилган. Бунда қарз берувчи берилган қарзни қайтариш муддати келган вақтда, қарзни тезда қайтаришни талаб қилиш билан бирга, агар қарз олувчига аниқ мақсадда қарз берилган бўлса, ушбу қарзнинг қандай тарзда ишлатилишини назорат қилиши лозим.

Қарз олувчи эса, агар қарзни қайтариш вақтига фоиз ҳисоблаш керак бўлса, белгиланган фоизлар билан ўз вақтида ва тўлиқ қайтариши шарт.

Шу ўринда ҳаётий мисолларга эътибор қаратадиган бўлсак, даъвогар Г.Жумабоева судга берган даъво аризасида таниши Р.Шукуруллаевга олти ой муддат ичида қайтариб бериш тўғрисидаги тилхати, шунингдек, гаров тариқасида қарздор номида бўлган «Тико» русумли автомашинанинг техник ҳужжатлари эвазига 4.000.000 сўм берганини таъкидлайди. Ўзаро тузилган қарз шартномаси (қарз олувчининг тилхати мавжуд бўлса, қарз шартномаси ёзма шаклда тузилган ҳисобланади — Фуқаролик кодексининг 733-моддаси)да агарда қарз ўз вақтида қайтарилмаса, гаровда бўлган автомашинани сотиб қарзни қоплаш лозимлиги қайд этилган.

Аммо буни қарангки, белгиланган муддат тугаганига қарамай қарздор уни қайтаришни турли баҳоналар билан ортга суради. Ҳатто шу даражага бориб етдики, у гўё қарздан аллақачон қутилган, тилхатдаги жимжимадор имзо эса унга тегишли эмас... Аммо бу Р.Шукуруллаевнинг қарздан қутулиш учун атай тўқиган важлари эканлиги суд хатшунослик экспертизаси хулосасида аён бўлди.

Фуқаролик ишлари бўйича Беруний туманлараро суди даъво талабини қаноатлантириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди. Ишни янгидан кўриш тўғрисидаги Р.Шукуруллаевнинг апелляция шикоятини асоссиз дея топган Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топди.

Давр шартномалар борасида дадил ҳаракат қилишни, қатъиятни талаб қилмоқда. Президентимиз уқтириб ўтганидек, шартномаларнинг бузилиши ҳолатларини чуқур ўрганиш, унинг тагига етиб бориш, шартнома мажбуриятларини тартибга солиш ва уларни бажариш юзасидан масъулиятни ошириш даркор. Шуни унутмаслик керакки, ўзаро манфаатдорлик асосида шартнома талабларига оғишмай амал қилган киши асло кам бўлмайди.

Зулфия ХАСАНОВА,
фуқаролик ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари
Акмал ТОЖИМУРОД ўғли,
«Куч — адолатда» мухбири

МАМЛАКАТИМИЗДА ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ ҲИМОЯСИ АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗДА ВА ШУ АСОСДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКДА КАФОЛАТЛАНГАН. ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ РИВОЖИ, БУГУНГИ КУН ТАЛАБЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ УЛАР ТАКОМИЛЛАШТИРИБ БОРИЛМОҚДА.

Yangi qonun mohiyati

Тадбиркорлик субъектлари

уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш кафолати

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

2006 йил 10 октябрдаги **"Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилганлиги ҳамда уларнинг молиявий жавобгарлиги эркинлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги қонунга кўра, тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари фақат суд орқали қўлланилиши мустаҳкамланди.

Ўз навбатида, ҳуқуқий таъсир чораларининг фақат суд томонидан қўлланиши каби меъёрлар ушбу тоифадаги ишларни судда кўриш ва ҳал этиш тартибига ҳам аниқлик киритишни, процессуал қонунчиликда ушбу тоифадаги ишларни судда кўришнинг ўзига хос процессуал хусусиятларини белгилашни тақозо этади.

Олий Мажлис Сенатининг бешинчи ялпи мажлисида маъқулланган ва 2011 йил 22 апрелдан кучга кирган **"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги қонунга мувофиқ, ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларни юритишга оид Хўжалик процессуал кодексига ва **"Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"**ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Мазкур қонуннинг 5-моддасига кўра, Хўжалик процессуал кодексига киритилган қатор ўзгартиш ва қўшимчалардан асосийси – мазкур кодекснинг II бўлими **"Ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларни юритиш"** деб номланган янги 20^3-боб билан тўлдирилди. Мазкур бобда ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисида мурожаат қилиш ҳуқуқи, ҳуқуқий таъсир чоралари, уни қўллаш тўғрисидаги аризанинг шакли ва мазмуни, ушбу аризага илова қилинадиган ҳужжатлар, ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги иш бўйича хабарномалар ва чақирувлар, иш бўйича суд муҳокамаси, иш бўйича хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан боғлиқ меъёрлар ўз ифодасини топган.

Қонунга кўра, ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисида аризалар билан хўжалик судларига назорат қилувчи органлар мурожаат қилишга ҳақли. Назорат қилувчи органлар бу – хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилишга қонун ҳужжатлари билан ваколат берилган вазирликлар ва идоралардир.

Хўжалик процессуал кодексига киритилган янги 155^{13}-моддада ҳуқуқий таъсир чоралари сифатида нималар тан олиниши ўз ифодасини топган бўлиб, унга кўра, қуйидагилар ҳуқуқий таъсир чоралари ҳисобланади: фаолиятни тугатиш; атроф табиий муҳитга зарарли таъсир кўрсатаётган объектлар фаолиятини тугатиш ва (ёки) қайта ихтисослаштириш; фаолиятни чеклаш, тўхтатиб туриш ва тақиқлаш (фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва саломатлиги учун бошқа реал хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ ҳолда фаолиятни ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга чеклаш, тўхтатиб туриш ҳоллари бундан мустасно); банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш (қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно); молиявий жазо чораларини қўллаш (солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлаш муддатини ўтказиб юборганлик учун пеня ҳисоблаб чиқариш, шунингдек, ташкилот ёки фуқаронинг содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбига иқрор бўлганлиги ва молиявий жазо чоралари суммаларини ихтиёрий равишда тўлаганлиги ҳоллари бундан мустасно); тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш учун лицензияларнинг (рухсатномаларнинг) амал қилишини ўн иш кунидан кўп бўлган муддатга тўхтатиб туриш ёки уларнинг амал қилишини тугатиш ва лицензияларни (рухсатномаларни) бекор қилиш (Ватутувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, аризачининг талаби, агар бу шу тоифадаги низолар учун қонунда назарда тутилган бўлса, низони жавобгар билан судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этилганлиги тўғрисидаги маълумотлар ҳамда илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати бўлиши лозим. Ушбу талабларга риоя қилмаслик, ариза Хўжалик процессуал кодексининг 118-моддасида назарда тутилган қоидалар бўйича аризачига қайтарилишига асос бўлади.

Таъкидлаш жоизки, суд молиявий санкциясини қўллаш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш жараёнида ҳар икки томоннинг (ариза билан мурожаат қилган назорат қилувчи органнинг ҳамда ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши мумкин бўлган тадбиркорлик субъектининг) тақдим этган ишга оид ҳужжатларига холисона баҳо беради, айни пайтда тақдим қилинаётган ҳужжатларнинг ҳуқуқий жиҳатдан бенуқсонлиги ҳам таъминланади. Бундан ташқари, Хўжалик процессуал кодексининг 5-моддаси биринчи қисми **ташкилотлар ва фуқароларга нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар кўриб чиқилаётганда, ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш учун асос бўлган ҳолатларни исботлаш мажбурияти назорат қилувчи орган зиммасига юклатилади**, деган жумла билан тўлдирилди. Бу эса назорат қилувчи идоралар ўз хатти-ҳаракатларини пухта ва фақат қонуний ҳужжатлар асосида амалга оширишлари лозимлиги каби талабларни янада кучайтиради.

Қонун ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги ишни судда кўриш ва ҳал этиш учун махсус муддатни назарда тутади. Зеро, ушбу тоифадаги ишларнинг тез фурсатда кўриб ҳал этилиши тадбиркорлик субъектларининг ҳам манфаатларига мос келади. Мазкур ишлар суд томонидан ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган кундан бошлаб ўн беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқилиши керак, ариза хўжалик судига келиб тушганидан сўнг камида бир ойдан сўнг кўриладиган молиявий жазо чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бундан мустасно.

Ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги ишларнинг ўзига хос процессуал хусусиятларидан яна бири — иш бўйича келишув битими тузилишига йўл қўйилмаслигидир. Маълумки, келишув битими бу — тарафларнинг келишмовчиликларни ўзаро ҳал этиб тузган шартномаси ҳисобланиб, унга кўра, тарафлар ўз ҳуқуқларини келишув йўли билан белгилайди ва бу битим суд томонидан тасдиқлангач, тарафлар шу талаб ва асос билан судга қайта мурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўладилар. Ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича келишув битими тузишга йўл қўйилмаслигининг асосий сабабларидан бири юз берган низонинг предмети мавжуд қонунчилик талабининг бузилиши ва бунинг оқибатида ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш ҳисобланади. Қонун бузилиши юзасидан тарафлар ўзаро келишувга эришиши, яъни назорат қилувчи идора қонунни бузган тадбиркорлик субъекти билан муросага келиши мумкин эмас.

"Ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги иш бўйича хўжалик судининг ҳал қилув қарори" деб номланган 155^{18}-моддага мувофиқ, ишни кўриб чиқиш натижалари бўйича хўжалик суди ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш ёки арз қилинган талабни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилади. Хўжалик судининг ушбу қарори, агар апелляция шикояти (протести) берилмаган бўлса, у қабул қилинганидан сўнг ўн кун ўтгач, қонуний кучга киради. Апелляция шикояти (протести) берилган тақдирда хўжалик судининг ҳал қилув қарори, агар у бекор қилинмаган бўлса, апелляция инстанцияси судининг қарори қабул қилинган кундан эътиборан қонуний кучга киради. Ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарорининг кўчирма нусхаси ҳал қилув қарори қабул қилинганидан сўнг уч иш куни ичида хўжалик суди томонидан ишда иштирок этувчи шахсларга юборилади.

Шунингдек, 2000 йил 25 майда қабул қилинган **"Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"**ги қонун 40^1-моддасининг матни Хўжалик процессуал кодексига янги киритилган 155^{13}-моддада назарда тутилган ҳуқуқий таъсир чоралари билан ўзаро мувофиқлаштирилди.

Бир сўз билан айтганда, ҳуқуқий таъсир чораларини фақат судлар томонидан қонунда белгиланган аниқ процессуал тартиб асосида қўллаш тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, иқтисодиёт соҳасида қонунийликни мустаҳкамлаш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилади. Айни пайтда назорат қилувчи идораларнинг ҳамда тадбиркорлик субъектларининг қонунларга риоя қилиш масъулиятини кучайтириб, қонуний фаолиятни рағбатлантиради, суд ҳокимиятининг эса нуфузини янада оширади.

Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари, юридик фанлари доктори

Xabar

Болалар ҳуқуқларига оид халқаро форум

Инсон ҳуқуқлари ҳимояси – бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан бошланади, дейишади. Дарҳақиқат, болалар ҳар бир давлатнинг эртанги куни, келажаги эгаси ҳисобланади.

Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли субъекти бўлиб, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Бола ҳуқуқлари декларацияси, Бола ҳуқуқлари конвенцияси ва бошқа умумэътироф этилган халқаро шартномаларни тан олди ва уларга қатъий амал қилиб келмоқда.

Болалар, хусусан, вояга етмаганлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ишларни такомиллаштириб бориш масаласига фаолияти ана шу мақсадга қаратилган ташкилотлар доимий эътибор қаратиб келмоқда.

БМТнинг Болалар ташкилоти – ЮНИСЕФ томонидан Туркманистон Республикасининг Ашхобод шаҳрида бола ҳуқуқлари ҳимоясига бағишлаб ташкил этилган халқаро форумда Марказий Осиёда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотлари жараёнида вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари билан боғлиқ жараён таҳлил этилди. Мазкур форумда Россия Федерацияси, Озарбойжон, Қозоғистон, Тожикистон давлатлари билан бир қаторда Ўзбекистон вакиллари, хусусан, республика Олий суди судьяси Дилбар Суюнова иштирок этди.

Форум давомида вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бу борадаги қонунчиликни янада такомиллаштириш, айни йўналишда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Saboq

Транспортни бошқариш

у ҳушёрлик ва қоидаларга қатъий риоя этишни тақозо қилади

2011 йил 26 апрелда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун қабул қилиниши билан кўпгина соҳаларда янги меъёрлар жорий этилди. Унга мувофиқ, транспортда, йўл хўжалиги ва алоқа соҳаларида йўл қўйилган ҳуқуқбузарликлар учун тайинланадиган жазо чоралари бир қадар кучайтирилди. Жумладан, ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини маст ҳолда бошқарганлиги учун жазо санкциясидан жарима жазоси чиқарилиб, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан бир йилу олти ойдан уч йилгача маҳрум қилиш жазоси тайинланиши белгиланди. Худди шундай ҳуқуқбузарлик транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахс томонидан содир этилгани учун энг кам иш ҳақининг ўттиз баравари миқдорида жарима ёки ўн беш суткагача қамоқ жазоси белгиланди. Алкоголли ичимликдан, гиёҳванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст шахсга транспорт воситасини топшириш ҳуқуқбузарлиги учун жазо санкциясидаги энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдоридаги жарима жазоси ўн беш бараварига алмаштирилди.

Айтиш керакки, ушбу янги қонун амалда транспорт воситалари билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг камайишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Жумладан, Қашқадарё вилоятининг Нишон туманида 2011 йилнинг март ойида транспорт воситалари билан боғлиқ 356 та ҳуқуқбузарлик содир этилган бўлса, ушбу қонун амалиётга тадбиқ этилганидан кейин — 2011 йилнинг май ойида бу рақам 257 тага камайган.

Жиноят ишлари бўйича туман судлари томонидан транспорт воситалари билан боғлиқ кўрилган ишлар юзасидан қабул қилинган қарорлар ҳуқуқбузарнинг яшаш жойидаги ўзини ўзи бошқариш идораларига муҳокама қилиш учун юборилаётганлиги, бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун тарғибот ишлари олиб борилаётганлиги фуқароларнинг ушбу қонун мазмунини тушуниб етишида ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Масалан, жиноят ишлари бўйича Нишон тумани судида кўрилган маъмурий иш бўйича фуқаро П. 2011 йилнинг 17 май куни соат 15-00 ларда ўзининг бошқарувидаги автомашинани, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқи бўлмасдан, спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда бошқариб келаётганида йўл патруль хизмати ходимлари томонидан тўхатилган ва бу ҳақда баённома расмийлаштирилган. Суд ушбу маъмурий ишни ўрганиб чиқди ва ҳуқуқбузарнинг айбига иқрорлигини инобатга олиб, П.га нисбатан 4 суткалик маъмурий қамоқ жазоси тайинлади. Қарор нусхаси П.нинг яшаш манзили бўйича маҳалла фуқаролар йиғинига муҳокама қилиш учун юборилди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, транспортни бошқараётган, умуман, йўлга чиққан ҳар бир киши қоидаларга қатъий риоя этса, бу унинг хавфсизлиги кафолатидир. Зотан, йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидалари йўлларда хавфсизликни таъминлаш, фуқаролар соғлиғи ва ҳаётини турли кўнгилсизликлардан асрашга хизмат қилади.

Жасур НОРҚОБИЛОВ,
жиноят ишлари бўйича Нишон тумани судининг раиси

...ЯРИМ ТУНДА РУҲИДДИН ТОР КЎЧАГА БУРИЛИБ, ЯШИЛ ЭШИК ОЛДИГА БОРДИ, ШИМИНИНГ ЧЎНТАГИНИ ПАЙПАСЛАБ КЎРИБ, ОЛИБ КЕЛГАН НАРСАСИ ЖОЙИДА ТУРГАНЛИГИГА ИШОНЧ ҲОСИЛ ҚИЛГАЧ, ҚЎНҒИРОҚНИ БОСДИ.

Giyohvandlik — asr vabosi

Ҳалолликнинг

У бу хонадонда ўзини интиқлик билан кутишаётганини, қўнғироқни босиши билан кимдир қучоқ очиб кутиб олишини, "Э, келдингизми, Руҳиддин ака, сизни кўзимиз тўрт бўлиб кутаётган эдик!» — деб хитоб қилишини, сўнг уни ичкарига таклиф қилишларини биларди. Биларди-ю, лекин юрагининг бир чеккасида ҳар доимгидек хавотир ҳисси ҳам йўқ эмас эди.Шунинг учун юраги тез-тез урар, вужуди қўрқувдан титраб турар эди.

Эшик очилди ва ичкаридан малла соч йигитнинг боши кўринди. У Руҳиддинни кўриб, нима учундир, одатдагидек, кулиб қарши олмади ва фақат "Келдингми?" — дегандек, бош ирғаб қўйди-да, бирдан ғойиб бўлди. Йўқ, ғойиб бўлмади, уни кимдир орқага судраб кетгандек туюлди.

Ҳар гал келганда қучоқ очиб қарши оладиган малласоч йигитнинг бу қилиғи Руҳиддинни ажаблантирди.

Шу пайт ичкаридан юзига ниқоб кийиб олган бир неча киши отилиб чиқди-да, Руҳиддинга ташланишди.

"Булар ким?

Нима учун юзларига ниқоб тақиб олишган?

Ёки... анави малласоч йигит мени сотдими?"

Сонияларда миясига урилган бу фикрдан Руҳиддиннинг вужуди зирқираб кетди ва орқасига бурилиб қоча бошлади. Лекин шу маҳал тор кўчанинг бошида яна бир гуруҳ юзига ниқоб тутган кишилар пайдо бўлди-да, Руҳиддиннинг устига бостириб кела бошлади. Руҳиддин энди ҳеч қаерга қочолмасди.

Ранг-қути ўчган, юраги қаттиқ-қаттиқ ураётган Руҳиддин чўчиб кўзини очди-ю, ёстиқдан бош кўтариб атрофга алангади, ниҳоят, ўзининг уйида эканлигини, ҳозирги кўрганлари туш эканлигини билиб, енгил нафас олди. Лекин ўтган куни Руслан билан бўлган учрашувни ва унинг таклифини эслаб ҳозиргина бир оз ортга чекинган ваҳима яна қора булутдек бостириб кела бошлади.

«Йўқ, бугунок бориб Русланни топаманда, айтган ишинг бошингдан қолсин, мени тинч қўй, оилам бор, жўжабирдек жонман, агар фалокат бўлиб яна қамалиб кетгудай бўлсам, болаларимнинг ҳоли не кечади, деб шартта юзига айтаман!" — деб ўйлади.

Руслан чамаси, ўттиз беш ёшларда, мой алмаштирадиган корхонада ишчи бўлиб ишлайди. Аслида Руслан корхонада ишчи саналса-да, ишламас, гоҳо ўн кун, бир ой қаерларгадир кетар, яна Термизда пайдо бўлиб қолар, Руҳиддин унинг қўлида ҳамиша жарақ-жарақ пул юришидан, пўрим кийинишидан қандайдир хуфя ишлар билан шуғулланишини пайқарди.

Руҳиддин бир неча йилдан буён акаси Фахриддин билан «УАЗ-330301» русумли мўъжазгина юк машинасида мижозларнинг юкларини ташиш орқасида рўзғор тебратар, тинчгина ҳаёт кечирарди. Бундан еттисаккиз йил олдин гиёҳвандлик моддасини сотиш жиноятига қўл уриб судланган, бир неча йил жазони ўтаган, фақат амнистия шарофати билангина уйига қайтишга муяссар бўлганди. Озодликка чиққанидан сўнг ҳам унга эски танишларидан айримлари олдинги ишини давом эттириши мумкинлигини айтишди. Аммо бурнига сув кирган Руҳиддин бундай ишлар билан шуғулланишдан қатъий бош тортди.

Лекин кейинги кунларда бир пайтлар қўлида пул ўйнаган даврни тез-тез эслайдиган, суд томонидан тайинланган жазони ўтаб юрган, бир-биридан ширин фарзандларини соғиниб қон йиғлаган пайтларда "озодликка чиқсам минбаъд қинғир ишга қўл урмайман" деган ўкинчларни эса нима учундир камроқ ёдга оладиган бўлди.

Руслан билан биринчи марта учрашган пайтда Руҳиддин мана шундай кайфиятда эди.

— Руҳиддин ака, Урганчга юк бор, нима дейсиз? — деди Руслан.

— Қандай юк?-безовта бўлиб сўради Руҳиддин. У Русланнинг қандай иш билан шуғулланишини тахминан биларди.

— Ерёнғоқ мағзи.

— Сен ҳали ерёнғоқ сотиш билан шуғулланаяпсанми? — ишонқирамай сўради Руҳиддин.

— Албатта! Ахир, тирикчиликнинг айби йўқ. Хўш, қанча сўрайсиз?

— Ўзинг қанча бермоқчисан?

— Минг. «Кўки»дан.

Бу гапни эшитиб Руҳиддиннинг кўзлари ёниб кетди.Чунки Урганчгача одатда юз минг, жуда нари борса, икки юз мингга борарди-да. Руслан эса бирданига кўп пул бермоқчи. Лекин нима учун Руслан унга бирданига шунча пул бермоқчи, ахир, Хоразмга олиб борадиган ерёнғоқ мағзи бозорда сотилса ҳам шунча пул бўлмайди-ку?

Руҳиддиннинг кўнглига шубҳа оралади. У ер ёнғоқ мағзи бир ниқоб эканлигини, аслида у Хоразмга гиёҳванд модда олиб бормоқчи эканлигини тушунди-ю, фикридан қайтди.

— Яна нима олиб борилади? — хўмрайиб сўради Руҳиддин.

— Ўн килолик посилка бор, шуни, — деди Руслан.

Бу гапни эшитиб Руҳиддиннинг юраги орқага тортиб кетди. "Ўн кило! Ўта хавфли, агар қўлга тушиб қолгудай бўлсам, умрим азобда ўтиши тайин".

— Йўқ, бормайман! Биласан, бунақа ишларни ташлаганман! — Руҳиддин кетиш учун машинасининг эшигини очганда Руслан унинг тирсагидан ушлади.

— Манзилга етиб борганингиздан кейин яна минг оласиз!

"Яна минг доллар бермоқчи. Агар бу ишнинг уддасидан чиқсам, бир неча ой, йўқ, анча вақт мазза қилиб яшашим мумкин". Мўмай пулнинг дарагини эшитиб Руҳиддиннинг юраги ҳаприқиб кетди.

Mulohaza

Оила — муқаддас маскан

уни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Зотан, ҳар бир соғлом фикрли киши оилам деб яшайди, унинг тинч, осойишта, фаровон бўлиши йўлида саъй-ҳаракат кўрсатади.

Аслида, инсон тақдири туғилганидан то умрининг охиригача оила билан узвий боғлиқ ҳолда кечади. Чунки чақалоқ туғилганида унга исм қўйишдан тортиб улғайиши, вояга етганидан сўнг никоҳланиши, қонқариндошлик, мулкий муносабатларнинг юзага келишигача бўлган, шунингдек, оила аъзоларининг ҳуқуқ ва бурчлари, уларнинг бир-бирига моддий таъминот кўрсатиш мажбуриятлари, фарзандликка олиш, васийлик ва ҳомийлик белгилаш каби масалаларнинг барчаси оилавий муносабатларнинг ажралмас қисмидир.

Ватанимиз мустақилликка эришгач, оила, унинг тинчлиги ва қонуний манфаатларини ҳимоялашга катта эътибор қаратилди. Истиқлолнинг ўтган даврида қабул қилинган юздан зиёд қонун ва қонуности ҳужжатларида оила манфаати ва унинг ҳимоясини мустаҳкамлаш назарда тутилган. Жумладан, Бош қонунимизнинг 63-моддасида оила жамиятнинг асосий бўғини ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга эканлиги қайд қилинган бўлса, 64-моддасида давлат ва жамият етим ва ота-она васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлаши белгиланган. Шунингдек, ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурлиги, вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ҳам ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбур эканлиги ҳам Асосий қонунимизда мустаҳкамлаб қўйилган.

Албатта, дунёда нечта халқ бўлса, ҳар бирининг ўзига хос урф-одати, қадриятлари бор. Аммо оилага нисбатан ўзбекона муносабат бошқа жойда учрамайди. Таъкидлаш ўринлики, 1998 йилдан кучга кирган Оила кодексида ана шундай ўзига хосликлар инобатга олинган. Шунингдек, оилавий муносабатларда учрайдиган никоҳ тузиш ёки никоҳнинг тугатилиши, мулкий муносабатлар, болаларнинг насл-насабини белгилаш, алимент мажбуриятлари, туғилишни, никоҳ тузилганлиги, ўлимни қайд этиш, фамилия, исм, ота исмини ўзгартириш каби муносабатлар Оила кодекси билан тартибга солинади.

Оиланинг энг муҳим вазифаларидан бири комил инсонни вояга етказишдир. Фарзандларнинг комил

инсон бўлишида оила аъзоларининг тотувлиги, ота-онанинг ўзаро меҳр-оқибати самарали таъсир кўрсатади. Оиладаги адолат ҳар бир оила аъзосининг ўз ҳуқуқ ва бурчларини тўлиқ адо этишида намоён бўлади. Шу маънода оила аъзолари ўртасидаги меҳр-оқибат, тотувлик, ўзаро тенглик, адолатли меҳнат тақсимоти, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат оила равнақи ва келажагининг пойдеворидир.

Аксинча, оила аъзоларининг бир-бирига ёрдам бериш масаласига юзаки қарашлари натижасида ҳуқуқлар бузилади. Шу ўринда суд амалиётига мурожаат этадиган бўлсак, 2010 йил давомида вояга етмаган фарзандларнинг моддий таъминоти учун алимент ундириш ҳақида 562 та фуқаролик иши кўрилган, 1684 та суд буйруғи чиқарилган.

Айтилганидек, оила — муқаддас маскан. Табиийки, бу мезон никоҳнинг ҳам азиз тушунча эканини кўрсатади. Зотан, оиланинг таркиб топишида никоҳ асос бўлади. Миллий қонунчилигимизда ушбу мезонлар ўз ифодасини топди. Масалан, Оила кодексининг 3-моддасида барча фуқаролар оилавий муносабатларда тенг ҳуқуқларга эга эканлиги, никоҳ тузиш чоғида жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи сингари ҳолатларга қараб ҳуқуқларни муайян тарзда чеклашга ёхуд афзалликлар белгилашга ҳамда оилавий муносабатларга аралашишга йўл қўйилмаслиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Оила қонунчилигида никоҳ муносабатларининг энг муҳим шартларидан бири никоҳ шартномасидир. Никоҳ шартномаси эр ва хотиннинг никоҳда бўлган даврида ёки эр ва хотин никоҳдан ажратилган тақдирда уларнинг мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи келишуви ҳисобланади. Никоҳ шартномасини тузишдан кўзланган мақсад — эр ва хотиннинг ўзаро моддий таъминот бериш, оила харажатларини кўтариш, бир-бирининг даромадида иштирок этиш, бошқа шахслар билан мулкий муносабатлар тузиш, никоҳдан ажратилганда эр ва хотиндан ҳар бирига бериладиган мулкни аниқлаб олиш ва бошқа мулкий муносабатларни белгилашдан иборатдир.

Шунинг учун янги турмуш қураётган келин-куёвлар ўзлари учун фойдали бўлган никоҳ шартномаси тузиш масаласига эътибор билан қарасалар, келгусида вужудга келиши мумкин бўлган кўнгилсизликларнинг олди олинган бўлар эди.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда оиланинг мустаҳкамлигини таъминлашда судлар ҳам алоҳида ўрин тутади. Олий суд Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги **«Судлар томонидан никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўришда қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида»**ги қарорида судлар оилани тиклаш учун барча чораларни кўришлари лозимлиги таъкидланган. Шу боис ҳам судга келиб тушган никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишлар юзасидан оилани тиклаш имкони бўлган ҳолатда эр-хотинга ярашиб олиш учун тегишли муддатлар берилиб, бундай оилаларни жамоатчилик ёрдамида яраштириш чораларини кўриш қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинларига, хотин-қизлар қўмиталарига ҳавола қилинмоқда. Шунинг натижасида 2010 йил мобайнида ярашиб олиш учун муддат берилган 60 дан ортиқ оила тикланди.

Судлар томонидан оилаларнинг бузилишига олиб келган сабаблар юзасидан тегишли жойларга 17 та тақдимнома киритилди. Шаҳар ва туман хотин-қизлар қўмиталари, қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинларига 185 та хусусий ажрим чиқарилиб, оилаларнинг бузилишига сабаб бўлган салбий ҳолатлар жамоатчилик ўртасида муҳокама қилинди ва бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун тегишли чора-тадбирлар кўрилди.

Бундан ташқари маҳаллаларда аҳоли ва ёшлар ўртасида оиланинг муқаддаслиги, уни асраш борасида тарғибот-ташвиқот ишлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида олиб борилмоқда. Оммавий ахборот воситалари орқали ҳам ана шундай мазмундаги чиқишлар қилинаяпти. Буларнинг барчаси фуқароларимизда ўзи яшаётган муқаддас қўрғонга бўлган ҳурматни, муҳими, уларни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Абдурасул ЭРАНОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилояти судининг раиси

Huquqiy ma`rifat

Ҳадя қилиш — савоб

фақат у қонуний асосда амалга оширилиши керак

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Фуқаролик кодексининг 507-моддаси 1-қисмида назарда тутилган асосларга кўра, ҳадя қилувчи келажакда ҳадя олувчига ашёни ёки мулк ҳуқуқини бериш, уни мулкий мажбуриятдан озод этишни ваъда қилган шартномани бажаришдан бош тортишга ҳақли. Ушбу моддада назарда тутилган асосларга биноан ҳадя қилувчининг ҳадя шартномасини бажаришдан бош тортиши ҳадя олувчига зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқини бермайди. Ҳадя олувчи ҳадя қилувчининг унинг оила аъзолари ёки яқин қариндошларининг ҳаётига, соғлиғига зиён етказиш учун атай жиноят содир қилган ҳолларда ҳадя шартномаси суд тартибида бекор қилишга йўл қўйилади. Ҳадя олувчи ҳадя қилувчини қасддан ўлдирган тақдирда ҳадя қилувчининг ворислари судда ҳадяни бекор қилишни талаб этиш ҳуқуқига эга. Агар ҳадя олувчининг катта номулкий қимматга эга бўлган ҳадя буюмга муносабати унинг бутунлай йўқ бўлиб кетиши хавфини солса, ҳадя қилувчи ҳадяни бекор этишни суд тартибида талаб қилишга ҳақли.

Ҳадя шартномасида ҳадя олувчи ҳадя қилувчидан олдин вафот этган тақдирда ҳадя қилувчининг ҳадяни бекор қилиш ҳуқуқи шарт қилиб қўйилиши мумкин. Ҳадя бекор қилинган тақдирда ҳадя олувчи ҳадя қилинган ашёни, агар у ҳадя бекор қилинган пайтда асл ҳолатида сақланиб қолган бўлса, қайтариши лозим. Ҳадя шартномасини бажаришдан бош тортиш ва ҳадяни бекор қилиш тўғрисидаги қоидалар оғзаки тузилган ҳадя шартномаларига нисбатан қўлланилмайди.

Ўз навбатида, нотариус нотариал ҳаракатни амалга оширишда амалдаги қонун ҳужжатларига риоя қилиши ва қонун ижросини таъминлаган ҳолда, шахсларга амалга оширилаётган ҳаракатларнинг ҳуқуқий аҳамиятини ва келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларини тушунтиради.

Ҳаётда шундай ҳолатлар ҳам учрайдики, нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган айрим тарафларга муайян бир битим ёки шартноманинг ҳуқуқий оқибати тушунтирилганда ҳам улар ушбу ҳолатга юзаки ёндашиб, оқибатини чуқур ўйламасдан қарор қабул қилишади. Кейин эса мазкур битим ёки шартномани бекор қилиш учун турли хил баҳоналарни рўкач қилиб, тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга мурожаат қилади.

Хусусан, А. нотариал идорага мурожаат қилиб, ўзига тегишли бўлган шахсий уй-жойини ўғли Д.га ҳадя қилишини айтиб, бу ҳақидаги ҳадя шартномасини нотариал тасдиқлаб беришни сўради. Нотариус томонидан ҳадя шартномасининг ҳуқуқий оқибатлари, мазкур шартнома қай ҳолларда бекор қилиниши мумкинлиги тушунтирилгач, ҳадя этувчи А. ушбу ҳолатларни тушунган ҳолда ўз хоҳиш-истагига кўра уй-жойини ўғлига ҳадя қилди. Аммо орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан, А. нотариал идорага такрор мурожаат қилиб, ўғли билан ўртасида келишмовчилик юзага келганлигини, ўғли уй-жойни ўз номига ўтказгач, муносабати ўзгариб қолганлигини, ҳеч кимни ҳурмат қилмай қўйганлигини, она-онасининг ҳол-аҳволидан хабар олмаётганини инобатга олиб, ҳадя шартномасини бекор қилишни сўради. Аммо ҳадя олувчи Д. ҳадя шартномасини бекор қилишга норози бўлганлиги ва ҳадя шартномасини бекор қилиш учун асос бўлмаганлиги сабабли ушбу шартнома ўз кучида қолди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳар бир фуқаро ҳар қандай нотариал ҳаракатни амалга оширар экан, унинг ҳуқуқий оқибатини унутмаслиги керак. Бунда, унга, албатта, нотариус яқиндан ёрдам бериши, ҳар бир шахсга холис, виждонан ва масъулиятни англаган ҳолда хизмат кўрсатиши мақсадга мувофиқдир.

Юсуф ЖУМАҚУЛОВ,
Когон шаҳар 1-сон давлат нотариал идораси нотариуси

Ehtiyot bo`ling, firibgar!

Фириб тузоғи

МАМЛАКАТИМИЗДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР БУГУН АМАЛДА ЎЗИНИНГ АНИҚ САМАРАСИНИ БЕРАЁТИР.

Чунончи, ушбу соҳанинг миллий иқтисодиётимиздаги улуши тобора ортиб бораётгани ҳам фикримизни тасдиқлайди. Ишбилармонлик, омилкорлик билан фаолият юритаётган, шу тариқа нафақат ўзининг моддий эҳтиёжини қондираётган, айни чоғда янги иш ўринларини яратиб, маҳалладошларини ҳам иш билан таъминлаётган тадбиркор юртдошларимиз ҳақли равишда обрў-эътибор қозонмоқда.

Аммо масаланинг бир жиҳатига алоҳида диққат қаратиш керак. Яъни ҳар қандай соҳада ҳам ҳалол фаолият юритиш муваффақият гарови ҳисобланади. Масалан, Ж.Исомитдиновни олайлик. У хусусий тадбиркорликка кенг йўл очилганидан фойдаланиб, Уйчи туманида хусусий стоматология очган эди. Вақт ўтиши билан клиниканинг иши юришиб кетди, мижозлар сони ҳам кундан-кун кўпайиб борарди. Табиийки, Ж.Исомитдиновнинг даромади ҳам шунга яраша анчагина ошди.

Бироқ нафс деган бало Ж. Исомитдиновни йўлдан урдию, барчаси ортга кетди. Тўғрироғи, у қаноатни унутди. Натижада эса фирибгарлиги учун айбланиб, 2009 йил 30 июнь куни жиноят ишлари бўйича Уйчи тумани суди томонидан ахлоқ тузатиш иши жазосига ҳукм қилинди.

Агар у хатосини тушуниб, ишини тўғри йўлга туширгани ортиқча гапга ўрин қолмас эди. Аммо жазони ўташ даврида Янгиқўрғон туманидаги «Зиё» фирмасига ишга кириб, фуқароларга тиббий хизмат кўрсатишни йўлга қўйган Ж. Исомитдинов тағин эски «ҳунар»ини бошлади.

У олдига ёрдам сўраб келган М.Тўраевага эскирган тишларни олиб ташлаб, ўрнига етти дона тилла ва ўн беш дона сариқ тиш қўйиш лозимлигини айтди. М.Тўраева бу таклифни маъқуллаб, тишларини янгилатди ва шифокорга 750.000 минг сўм тутқазди. Аммо орадан учтўрт ой ўтар-ўтмас «энг сифатли тилладан» деб мақталган тишлар ўз-ўзидан қорая бошлади. М.Тўраева ҳайрон бўлиб, Ж. Исомитдиновнинг олдига келди. Шунда чуви чиққанини билган Ж.Исомитдинов сир бой бермай тишларни уч кун ичида янгилаб қўйишини айтиб, мижозни ортига қайтариб юборди. Аммо шундан кейин уни топиб бўлмади.

(Давоми тўртинчи бетда)

Йўли равон

қинғирлик эса, жазосиз қолмайди

Шундай қилиб, мўмай пул Руҳиддинни илондек авраб, тўғри йўлдан оздирди.

— Бўпти, мен розиман. Фақат йўлга Фахриддин акам билан бирга чиқаман.

— Мана бу ўғил бола гап бўлди! — деди Руслан ва унинг кафтига "қарс" этказиб уриб қўйди.

Бугун Руҳиддин у билан бирга Деновга бориб, ерёнғоқ мағзи сотиб олиши керак эди.

"Бугун ишга чиқмайман, Руслан билан ҳам кўришмайман. Бўлди, йиғиштирдим ҳаммасини!"

Нонуштадан сўнг у ишга бормади. Ёстиққа ёнбошлаганча телевизор томоша қилишга тушди.

"Руслан мени кута-кута уйига кетиб қолгандир!" У ўзининг бу фикри замирида Руслан билан кўришмагани учун афсусланиш борлигини сезиб ажабланди. Шунда унинг хаёлидан " Икки минг доллар ерда ётмайди!" — деган ўй "лип" этиб ўтди. Бироқ бу ўйни Руҳиддин хаёлидан дарҳол қувиб юборди.

Шу пайт кўча эшик қаттиқ тақиллади. Руҳиддин эшикни очди. Остонада пўрим кийиниб олган Руслан илжайиб турар эди.

— Руҳиддин ака, мен сизни роса кутдим. Келмадингиз, — деди гина билан Руслан.

— Жон ука, сен мени қийнама, яхшиси. бошқа одам топ, мени бунақа ишларга аралаштирма. Биласан, тавба қилганман.

— Руҳиддин ака, Хоразмга боришимиз билан минг эмас, икки минг доллар оласиз!

"Икки минг! Агар уни қўлга киритса...».

Тўсатдан Руҳиддиннинг Русланга ўқдек қадалиб турган нигоҳи бўшашди.

Эҳ, Руҳиддин, Руҳиддин! Сутдан оғзи куйган қатиқни ҳам пуфлаб ичади деганларидек, Русланга ўхшаганлардан у минг чақирим нарида юриши керак эди. Афсус, жиноят кўчасидан чиқиб кетган Руҳиддин нафс қўйида яна айни шу жиноят кўчасига, инсон ҳаётини заҳарловчи гиёҳвандлик моддалари билан шуғулланиш кўчасига кирди. Ўзи кирибгина қолмай акаси Фахриддинни ҳам жиноятига шерик қилди.

— Ака, — деди у Руслан билан охирги марта учрашгач, — яқинда иккаламиз Хоразмга бир юк олиб борамиз. Ишимиз ўнгидан келса, катта пул ишлаймиз.

— Ўнгидан келмаса-чи?

— Ўнгидан келади! Чунки биз у ерга ҳақиқатда ерёнғоқ мағзи олиб борамиз. — шундай деб Руҳиддин акасига Русланнинг гапларини айтиб берди.

Бутун умри давомида ҳалол меҳнат билан кун кўриб келган Фахриддин укасининг гапларини эшитибоқ уни уришиб бериши, "Сен ҳам, мен ҳам бунақа ишларга аралашмаймиз" дейиши лозим эди. Лекин у Руҳиддиннинг енгил-елпи гапларига ишонди.

Руслан билан Руҳиддин Денов туманига бориб бозордан бир тонна ерёнғоқ мағзини сотиб олишди. Сўнг Руслан қўшни мамлакатдан олиб келинган 10 килограмм гиёҳвандлик моддаси солинган сумкани ерёнғоқ мағзи орасига яшириб, Термизга қайтишди. Русланнинг уйида улар ҳар бири бир килограммдан алоҳида халтага ўралган гиёҳвандлик моддасини йигирмата цилиндрсимон бўлакларга бўлишди.

— Энди сиз буларни олиб бориб машинангизнинг кўз тушмайдиган жойига яшириб қўйинг! — буюрди Руслан.

Руҳиддин гиёҳвандлик моддаларини уйига олиб келиб, акаси билан машина ўриндиғи тагига яшириб қўйишди. Йўлда Руҳиддин Фахриддин акаси билан галма галдан машинани бошқариб кетадиган, Руслан эса автобусда йўлга чиқиб, улар билан Хоразмда учрашишадиган бўлди.

Белгиланган куни Руҳиддин ва Фахриддин ўз машиналарида, Руслан эса автобусда йўлга тушишди.

Руҳиддин Бухоро вилоятининг Ромитан туманидаги "Чандир" қишлоғига яқинлашиб қолганда анча енгил тортди. Постдан ўтиб олса, ҳадемай Хоразм вилояти ҳудудига бир қадам қолади. Юкларни айтилган жойга етказиб бергач, ваъда қилинган мўмай пулни олиб уйига қайтади.

Ана шундай ширин хаёллар суриб келаётган Руҳиддинни постда милиция ходими тўхтатди ва машинани четга олиб чиқишни сўради.

— Хоразмга ерёнғоқ мағзи олиб кетаяпмиз ака, у ерда ерёнғоқ мағзи қиммат деб айтишганди шунга, — деди Руҳиддин милиция ходимига ҳужжатларини узатар экан. "Ерёнғоқ мағзини ерга тўктирса ҳам тўкиб беравераман, аммо машина ўриндиғининг тагини титкиламаса бўлди" — ўйларди у. Милиция ходимлари ерёнғоқ мағзини текшириб кўргач, кабинанинг ичини кўздан кечира бошлади. Уларнинг ҳаракатларини кузатиб турган Руҳиддин ўриндиқ таги текширилаётганда ичида нимадир узилиб кетгандек кўз ўнги қоронғи тортиб кетди. Милиция ходимлари гиёҳвандлик моддалари солинган ўрамларни олаётганда оёғидан дармон кетиб беихтиёр ўтириб қолди...

Бухородан Хоразмга йўл олган Руслан ҳам кўп ўтмай қўлга олинди.

Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти суди гиёҳвандлик моддалари билан шуғулланган Руслан Ибрагимов, Руҳиддин Нуралиев, Фахриддин Нуралиевни ўн етти йил муддатга озодликдан маҳрум этди. Руҳиддин Нуралиев суд томонидан Жиноят кодексининг 34-моддасига биноан ўта хавфли рецидивист деб топилди.

Мамлакатимизда ҳалол меҳнат қилиб пул топиш учун барча имкониятлар яратилган. Лекин баъзи бировлар пешона тери тўкиб меҳнат қилиб, тинч, осуда яшаш ўрнига қинғир йўллардан юришга, ҳатто умрни заҳарловчи гиёҳвандлик моддаларини сотиш каби ўта хавфли жиноий қилмишга қўл уришади. Бундай кимсалар қинғир ишнинг қийиғи тез очилишини, жиноий қилмишлар учун жазо муқаррар эканлигини қанча тез тушуниб олишса, ўзларига шунча яхши бўлишини билишлари шарт.

Маҳтоб ҲАИТОВА,
жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти судининг судьяси
Шоҳруҳ АКБАРОВ,
журналист

Muloqot

Газетхон савол беради...

— ***Қўшним ўзбошимчалик билан биз яшаётган уйнинг остида цех очди. Бу бизнинг тинчлигимизни бузмоқда. Айтинг-чи, қўшнимнинг бу хатти-ҳаракатлари қонунийми?***

Э.ТЎРАЕВ,
Пскент тумани

— Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 январдаги қарорига мувофиқ қабул қилинган **"Кўп квартирали уйлардаги яшаш учун мўлжалланмаган жойлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида"**ги Низомнинг 11-бандига асосан жойни ўзбошимчалик билан қайта қурган ва қайта жойлаштирган, балкон ва пешайвонларни бошқа мақсадда қайта жиҳозлаган, қайта жойлаштирган ёхуд қўшимча равишда санитария-техник қурилмалар ва бошқа қурилмаларни ўрнатган кўп квартирали уйда жойлашган яшаш учун мўлжалланмаган жойнинг мулкдори (ижарага ва арендага олувчи) ваколатли давлат органининг ёки суднинг талабига кўра етказилган зарарни қоплаган ҳолда ушбу жойни ўз ҳисобидан олдинги ҳолатига келтиришга мажбурдир.

— ***Айтинг-чи, меҳнат шартномасини ғайриқонуний тарзда бекор қилган мансабдор шахс қандай жавобгарликка тортилади?***

О.КАМОЛОВ,
Қоровулбозор тумани

— Меҳнат кодексининг 274-моддасида меҳнат шартномасини ғайриқонуний равишда бекор қилишда ёки ходимни ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказишда айбдор бўлган мансабдор шахс зиммасига моддий жавобгарлик юклаш масаласи ҳақида сўз юритилган ва унга асосан, суд ходим билан тузилган меҳнат шартномасини ғайриқонуний равишда бекор қилишда ёки ходимни ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказишда айбдор бўлган мансабдор шахс зиммасига ана шу ходимга иш ҳақи тўланиши муносабати билан иш берувчига етказилган зарар ўрнини қоплаш мажбуриятини юклайди. Бундай мажбурият, башарти меҳнат шартномасини бекор қилиш ёки бошқа ишга ўтказиш қонунни очиқ-ойдин бузган ҳолда амалга оширилган ёки мансабдор шахс суднинг ходимни ишга тиклаш тўғрисидаги қарори ижросини кечиктирган бўлса, юклатилади.

Етказилган зарар ўрнини қоплаш учун тўланадиган ҳақ миқдори мансабдор шахснинг уч ойлик маошидан ортиб кетмаслиги лозим.

Саволларга юридик фанлари номзоди С.НИЁЗОВА жавоб берди.

МАЪЛУМКИ, ИЧКИЛИККА БЕРИЛГАН КИМСА ТАБИАТАН ЖАНЖАЛГА МОЙИЛ БЎЛАДИ. ИЧКИЛИК ТАЪСИРИДАН У ЎЗИНИ ШЕР ДЕБ ҲИСОБЛАЙДИ, ҚИЛАЁТГАН ИШИНИНГ ОҚИБАТИНИ ЎЙЛАМАЙДИ.

Jinoyatga jazo muqarrar

Йигитга ирода ярашади

оқибатини ўйламаслик эса, унинг шаънига доғ туширади

Тун яримлаб қолган бўлса-да, эри Бахтиёрдан дарак бўлавермагач, Санобар хавотирлана бошлади. Кейинги пайтларда эри кеч келадиган одат чиқарган, устига-устак, деярли ҳар куни сархуш эди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Hikmat

ДОНОЛАР ДЕЙДИЛАРКИ...

Йўқотишдан қўрқмаган пайтинг ютуқларга эришасан.

* * *

Хаёлда жасур бўлиш осондир.

* * *

Бирор ишнинг имконсиз эканлигига ишониш, уни имконсизга айлантиради.

* * *

Ишонмоқ инсоннинг омад биносига қўйган дастлабки ғиштидир.

* * *

Яхшилик қилиш учун ғайриоддий ҳодисалар бўлишини кутманг; оддий воқеалардан фойдаланишга ҳаракат қилинг.

* * *

Тажриба — ҳақиқат гарови.

* * *

Бахтдан лаззатланиш — буюк саодат. Бахтни ўзгаларга туҳфа этиш эса ундан ҳам буюкроқ эзгуликдир.

27-iyun — Matbuot va ommaviy axborot vositalari xodimlari kuni

Жамият тараққиётининг кўзгуси

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Мустақил тараққиёт йўлидан дадил ривожланиб бораётган мамлакатимизда матбуот соҳасини ислоҳ этиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар миллий матбуотимиз тараққиётини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Асосий қонунимизнинг 29-моддасида **«Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга»** эканлиги белгилаб қўйилган. 67-моддада эса **«Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгар»**лиги ҳақидаги меъёрлар белгилаб қўйилди.

Юртимизда шаклланган матбуот тараққиётига хизмат қилувчи бундай ўзига хос муҳит матбуотнинг ўрни ва ролини мустаҳкамлаш ва кучайтиришда муҳим омил бўлмоқда. Ушбу йўналишда амалга оширилган изчил ислоҳотлар натижасида оммавий ахборот воситалари ривожини таъминлайдиган, демократик талабларга тўлиқ мос келадиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Оммавий ахборот воситаларининг эркин ва жадал ривожланишини, ахборот соҳасининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга оид ўнга яқин қонун қабул қилинди.

Бугунги кунда мамлакатимизда бир минг икки юзта босма ва электрон оммавий ахборот воситалари фаолият юритмоқда. Бу йўналишда нодавлат оммавий ахборот воситалари тармоғи жадал ривожланаётгани эътиборга сазовордир.

Ҳаётимизнинг муҳим кўзгуси бўлган телевидение ҳам кунданкунга ривожланмоқда. Мамлакатимизнинг бугунги тараққиёт тарзини ифода этувчи миллий телекўрсатувларимиз замонавий технологиялар воситасида жаҳон бўйлаб узатилаётгани эътиборга сазовордир.

Интернет тизимининг ҳаётимизга фаол кириб келаётгани жамиятимизни ахборотлаштиришда яна бир муҳим мезон бўлаётир. Ҳозирги кунда олти миллиондан ортиқ юртдошимиз бу тизимдан фойдаланмоқда.

Мамлакатимиз глобал ахборот маконининг фаол ҳаракатдаги аъзоси сифатида жадал ривожланаётгани юқоридаги мисолларда ҳам яққол намоён бўлади. Бундан ташқари юртимизда уяли алоқа воситаларидан фойдаланувчилар сони ҳам кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Бундай воситалар мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудини тўлиқ қамраб олди.

Матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг, замонавий ахборот технологияларининг ҳаётимиздан бу қадар кенг ўрин эгаллаётгани ушбу соҳада фаолият юритаётган журналистлар зиммасидаги масъулиятни янада оширмоқда. Бунинг устига бугунги кунда бутун дунёда глобаллашув ниқоби остида инсон онги ва тафаккурини эгаллашга интилишлар кучайиб бораётган бир шароитда журналистлар янада фаолроқ ижод этиши лозимлиги кундай равшанлашмоқда.

Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги **«Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»** мавзуидаги маърузасида жамиятимизнинг барча жабҳалари қатори ахборот соҳасини ҳам янада ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасида ҳам устувор вазифалар чуқур таҳлил этиб берилди.



Тараққиётимизнинг келгуси босқичлари белгиланган ушбу концепцияда матбуот соҳасини янада ислоҳ этиш билан боғлиқ муҳим таклифлар илгари сурилган. Айни пайтда депутатларимиз ушбу вазифалар юзасидан фаол иш олиб бормоқда.

Ҳозирги кунда матбуот соҳасига замонавий рақамли ва мультимедиа технологияларининг жадал жорий этилаётгани фуқароларнинг ахборот олишга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ўзгариш ва ислоҳотлар жараёни билан ҳамюртларимиз ҳамда жаҳон жамоатчилигини тезкор, холис ва ишончли тарзда таништиришда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан таъсис этилган «Олтин қалам», «Йилнинг энг фаол журналисти», «Энг улуғ, энг азиз» каби кўрик-танловларнинг анъанавий тарзда ўтказилиши соҳа ходимларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, янгидан-янги ижодий марралар сари илҳомлантиришда, журналистларни янада фаол бўлишга, ўз фаолиятини юқори талаблар асосида йўлга қўйишида муҳим омил бўлмоқда.

Бугунги тезкорлик билан ўзгариб бораётган мураккаб глобаллашув даври журналистлардан ҳар қачонгидан ҳам ҳушёр ва огоҳликни, мустақиллигимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлашни, Ватанимиз, миллий манфаатларимизнинг том маънодаги ҳимоячиси бўлишни, истиқлол йилларида барча жабҳаларда эришилган асрларга татигулик ўзгаришларнинг мазмун-моҳиятини халқимиз, дунё ҳамжамияти эътиборига чуқур таҳлил асосида етказиб беришни талаб этмоқда.

Ўз касб байрамини нишонлаш арафасида турган ҳамкасбларимизга ана шундай шарафли ва масъулиятли вазифани бажаришда омад ҳамиша ёр бўлсин!

Баҳор ХИДИРОВА

G'aroyib olam

ОДАМ БОЛАСИ БИНО БЎЛГАНДАН БУЁН ИККИ ТУШУНЧА МУДОМ ЁНМА-ЁН ЯШАБ КЕЛАДИ: ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО. БУ ИККИ ТУШУНЧА ҲЕЧ ҚАЧОН ИНСОН ТАФАККУРИДАН ЎЧИБ КЕТМАГАН. ЯЪНИ БАРЧА ЗАМОНЛАРДА ЁВУЗ НИЯТЛИ КИМСАЛАР ТОМОНИДАН ТУРЛИ ХИЛ КЎРИНИШДАГИ ЖИНОЯТЛАР СОДИР ЭТИЛГАН, АДОЛАТТАЛАБ КИШИЛАР ЭСА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИГА ҒОВ БЎЛАДИГАН БУНДАЙ ЖИНОИЙ ИЛЛАТЛАРГА ҚАРШИ МУРОСАСИЗ КУРАШИБ КЕЛГАН.

Криминалистикадаги энг зўр кашфиётлар



Сир эмас, жиноятга қўл урган кимса қилмишлари ошкор бўлишини ҳеч қачон истамайди. Шу боис у жиноятни ўта сирли ва усталик билан амалга оширишга уринади. Бироқ закий зотлар ўзларининг ақл кучи, тафаккур қудрати билан ана шундай жиноий қилмишларни фош этиш, жиноятчини қўлга тушириш, унга нисбатан адолатли жазо тайинлашнинг турли усул ва воситаларини излаб топишган.

Энг муҳими, йиллар ўтиши билан бу борадаги билим, тажрибалар йиғилиб, сайқалланиб, бугунги кундаги криминалистика фани шаклланишига асос бўлган.

Қуйида асрлар давомида жиноий қилмишларни фош этиш йўлида яратилган энг муҳим янгиликларни эътиборингизга ҳавола этамиз.

9-ўрин. Эрамиздан аввалги тахминан 250 йилда қадимги юнон табиби Эрасистрат ёлғон гапираётган кишининг айбини фош этишнинг ғалати йўлини топган. Яъни у айбини яшириш учун ёлғон гапираётган кишининг қон томири тез уради, деган хулосага келган. Кейинчалик Эрасистратнинг айни фикри ҳақиқатга жуда яқин эканлиги кўп марта ўз тасдиғини топди. Муҳими эса, бу фикр «ёлғонни аниқлаш детектори»нинг кашф этилишда асосий мезон бўлиб хизмат қилди.

8-ўрин. Шарқ ҳукмдорларидан бири Маҳмуд Ғазнавий 1008 йилда ашаддий бир жиноятчига қидирув эълон қиларкан, мусаввирларга ҳалиги кимсанинг суратини чиздириб, уни мамлакатнинг барча шаҳарлари дарвозаларига илиб қўйиш тўғрисида фармон беради. Ўшанда Маҳмуд Ғазнавийга бу тадбири нечоғлик фойда бергани номаълум. Аммо у тутган йўл кейинчалик жиноятни тез фош этиш, жиноят содир этган кимсани қўлга олишда жамоатчиликни жалб этишнинг энг мақбул усули сифатида эътироф этилди.

7-ўрин. 1248 йилда хитойлик изқуварлар учун махсус қўлланма чоп этилган бўлиб, унда зўравонлик билан бўғиш ёки чўктириш орқали амалга оширилган ўлим ҳолатларини аниқлашга доир йўл-йўриқлар, кўрсатмалар батафсил баён этилган эди. 1302 йилда Италиянинг Болонья шаҳрида Бартололио да Вариньяна исмли дўхтир айни шу қўлланмадаги тавсиялардан келиб чиқиб, Европада биринчи марта жиноят тафсилотларини аниқлаш мақсадида жасадни очиб кўради.

6-ўрин. 1595 йилда Парижда маслаҳатчи сифатида жалб этилган хуснихат усталари тарихда биринчи бор жиноят ишига тегишли ҳужжатларнинг графологик экспертизасини амалга оширишади.

5-ўрин. 1838 йилда Германиянинг Франкфурт шаҳрида ашёвий далилларни жамлаш ва криминалистик услублар бўйича даслабки қўлланма чоп этилади. Людвиг фон Ягеманн деган ҳуқуқшунос муаллифлигида нашр этилган ушбу қўлланмада жиноят содир этилган жойни кўздан кечириш ва терговга жалб этилганлар билан иш олиб боришнинг анча мукаммал усуллари баён этилган эди.

4-ўрин. 1840 йилда Матье Орфила деган шахс тарихда биринчи марта заҳарланган кимсанинг ошқозонидан олинган овқатни кимёвий таҳлил қилиш натижаларига асосланиб, жиноятни фош этишга муяссар бўлди.

3-ўрин. 1854 йилда биринчи марта ҳужжатларга киритилган маълумотларни ўзгартириш, тузатиш жинояти фотография ёрдамида ошкор этилди.

2-ўрин. 1883 йилда Парижда Альфонс Бертильон атропометрия (одам танаси ва аъзоларини ўлчашга асосланган текшириш усули) натижаларига таяниб ўзини ўзга ном билан атаган жиноятчини фош этишга эришди. Яъни тарихда биринчи марта шахс аниқ ўлчашлар ёрдамида аниқланди.

1-ўрин. 1891 йилда Аргентинанинг Буэнос-Айрес шаҳрида Хуан Вучетич исм-фамилияли полиция ходими илк марта жиноятчини бармоқ изларига қараб қўлга туширди. Айнан шу вақтдан бошлаб шахснинг идентификация даври бошланди. Ҳозирда шахсни фарқлашда бармоқ излари билан бир қаторда кўзнинг рангли пардаси ва ДНК таҳлили натижаларига ҳам асосланилади.

Интернет материаллари асосида Дилдора ЮЛДАШЕВА тайёрлади.

Ehtiyot bo`ling, firibgar!

Фириб тузоғи

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Бу вақтда эса Ж.Исомитдинов бошқа «режа»лар устида бош қотирарди. У фирибгарлик йўли билан қўлга киритган пули тугагач, навбатдаги ҳийласини ишга солди. Яъни тилла тиши синиб қолгани учун тузатишга келган Ф.Тиллаевага шундай деди:

— Опа, тилла тишларингизни янгилаш керак.

— Майли, — рози бўлди Ф.Тиллаева, — неча кунда тайёр бўлади?

— Уч-тўрт кунда, лекин, опа, яна 3 дона тилла тиш қўшиш керак. Чунки 5 дона тилла тишдан қайта ясалганда 4 дона чиқади.

Ф.Тиллаева тилла тишларини унга қолдириб, қўшимча тишлар учун 200.000 сўм берди. Шу билан Ж.Исомитдинов яна ғойиб бўлди.

Орадан икки ой ўтиб у ишга келганида Ф.Тиллаева ундан тилла тишларини қайтаришни талаб қилди. Аммо ҳар сафар фирибгар шифокор унинг қўйнини пуч ёнғоққа тўлдириб қайтариб юбораверди. Шу тариқа Ж. Исомитдинов жиноий ҳаракатини давом эттириб, яна ўн нафарга яқин фуқарони алдаб, пулларини ўзлаштиради. Бу қилмишлари билан у жабрланувчиларга 5.300.000 сўм миқдорида зарар етказади.

Фирибгарнинг алдовига дуч келганини ниҳоят тушунган жабрланувчилар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага мурожаат қилишди ва айбдор қўлга олинди. Жиноят ишлари бўйича Янгиқўрғон тумани суди ушбу жиноят ишини атрофлича ўрганиб, Ж. Исомитдиновга тегишли тартибда жазо тайинлади.

Халқимиз бежизга «Бировнинг ҳақи буюрмайди» деб айтмаган. Шу маънода давлатимиз томонидан яратиб берилаётган имконият ва имтиёзлар ҳам унинг қадрини билганга, ундан омилкорлик билан фойдаланганга наф келтиради. Аксинча, бировнинг ҳақини ўзининг насибасидай жиғилдонидан ўтказиб юборишдан ор қилмайдиган кимсалар эл-юрт олдида ҳам, қонун наздида ҳам айбдор бўлиб, қилмишига яраша жавоб беради.

Илёс УСМОНОВ,
жиноят ишлари бўйича Янгиқўрғон тумани судининг раиси

Jinoyatga jazo muqarrar

Йигитга ирода ярашади

оқибатини ўйламаслик эса, унинг шаънига доғ туширади

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Шундай пайтлари Санобар қўни-қўшнидан андиша қилиб, тезроқ уни уйга киритишга ошиқарди. Фарзандларининг бўйи ўзига тенг келиб қолган Бахтиёр эса бундай хурмача қилиқларини ташлашни хаёлига ҳам келтирмас, аксинча, «Нега ичдингиз яна? Қўни-қўшнидан уялмайсизми?» — дея ёзғирган хотинига «Ҳа, энди, жўралар билан би-ир ўтирдик-да», — дея ўзича баҳона ҳам тўқиб қўярди.

Аммо бугунгиси ҳаммасидан ошиб тушди. Вақт алламаҳал бўлса-да, Бахтиёрнинг дараги йўқ, бунинг устига негадир Санобарнинг кўнгли ғаш... У нима қилишини билмай, болаларини ухлатгач, дамбадам эшикка қарайвериб кўзи толди.

Кутавериб толиққан Санобар кўзи илинганини билмай қолди. Бир маҳал эшик тақиллагандай бўлди. Кўзлари юмуқ бўлса ҳам хаёлан сергак жувон отилиб ўрнидан турганича эшикка қараб югурди. У адашмаган эди: Бахтиёр яна деворга суянганича ҳиқичоқ тутиб турар, бошини тўғри тутишга ҳам ҳоли келмасди. Эрини бундай абгор аҳволда кўрган аёл аламидан кўз ёшларини тиёлмай йиғлаб юборди. Аччиқ устида дашном берди.

Афсуски, унинг бу гаплари Бахтиёрнинг жаҳлини чиқариб юборди. У қўлларини мушт қилиб алпанг-талпанг юрганича хотинига яқинлаша бошлади. Важоҳат билан келаётган эрининг мақсадини тушунмаган Санобар ўзини ўнглаб олганича бошига мушт тушди ва зарбанинг кучлилигидан у отилиб кетди.

«Йигитнинг ор-номуси нималар киради?» деб сўрашганида, донишмандлардан бири: «Белбоғи, оти ва жуфти ҳалоли», — дея жавоб берган экан. Дарҳақиқат, эркак киши оиласининг тинчлиги, осойишталиги, хотиржамлиги учун масъул эканини бир дам ҳам унутмаслиги лозим. Айниқса, ўзини эрта-ю кеч кутадиган, болаларини оқ ювиб-оқ тарайдиган, уйининг бекасифариштаси бўлган аёлининг кўнглига озор бермаслиги лозим. Ахир, аёл энг биринчи навбатда, оиласи тинч, эри, болалари соғ-саломат бўлишини истамайдими? Шундай экан, болаларни ювиб-тараб ўтирадиган аёлига қўл кўтарган кимсани мард эр киши деб бўладими? Санобар ҳам эрининг масталас юрмаслигини, отаси учун фарзандлари мулзам бўлмаслигини истаган эди-ку...

Инсон умри мисоли дарё. Дарё суви оқиб ўтиб кетгани каби инсон ҳам умрини ортга қайтаролмайди. Аммо бу ҳақиқатни биров англаб етади, биров эса парвойига ҳам келтирмайди.

Дилшод деганлари ўттиз ёшга тўлгунча тўрт марта суднинг қора курсисида ўтирди. Аммо бу жазолар унга сабоқ бўлмаган экан, йўқса, Д.Исаев бу гал номусга тегишга суиқасд қилишда ифодаланган ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари билан яна жазога тортилмас эди. Аниқроғи, у Жиноят кодексининг 25, 118-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилиб, тўрт йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Аслида, ҳар бир киши ўзининг хатти-ҳаракати учун ўзи жавобгар. Шу маънода «Мени шайтон йўлдан оздирди» — дея баҳона тўқийдиган кимсаларнинг мақсади жазодан қутулиб қолишдан бошқа нарса эмас. Айни чоғда жиноятга «кўмаклашувчи» омиллар ҳам борки, уларни ҳам эътибордан соқит қилиб бўлмайди. Шулардан бири, мақоламиз аввалида айтганимиздек, спиртли ичимликка муккасидан кетишдир. Чунки оғир жиноятга қўл урган Дилшод ҳам ўша куни маст эди.

Гап шундаки, Дилшод танишлари билан соат ўн саккизларда туман марказидаги чойхонага боради. Ҳали бир ишни қойил қилиб қўймаган эса-да, ўзларини осмон чоғлаётган бу улфатлар дастурхонни спиртли ичимликсиз тўкин деб ҳисоблашмайди. Қисқаси, ўша куни ҳам бир неча шиша бўшайди. Дилшод кўчага чиққанида боши гир-гир айланиб, оёқда зўрға турарди. Шу пайт унга таништари Мамат билан Фахриддин дуч келди. Хурмачаси ёрилгудай ичган бўлса-да, Дилшод улар билан ҳам пивохўрлик қилади. Хуллас, яна кўчага чиққанида боши хумдай оғирлашиб қолган, оёқлари чалишиб-чалишиб кетарди. Эҳтимол, Дилшод шу кетишда уйига йўл олганида ҳеч нарса содир бўлмасмиди!? Афсуски, у ногоҳ икки кўча нарида яшовчи А.Тожибоевда иши борлигини эслаб қолди...

Айни шу маҳалда қўшнисиникида бўлган базмидан қайтаётган Севара Мадаева қоронғи кўчада Д. Исаевга дуч келади. Д.Исаев туйқусдан қизга ташланади. Шунда қизнинг бақир-чақирини эшитиб кўчага югуриб чиққан қўни-қўшни С.Мадаеванинг жонига ора киришади.

Юқорида баён этилган ҳар икки жиноят иши судда мазмунан кўрилаётганда гумонланувчи ва судланувчи «Маст эканман, билмабман, кечиришларингизни сўрайман», деган важкарсон тўқишга уринишди. Аммо маст ҳолатда жиноят содир этиш ҳеч қачон айбни енгиллаштирмайди. Ҳалиям Бахтиёр Ботировнинг кунига хотини яради. Томонлар ярашганликлари туфайли суд ярашув тўғрисидаги суд мажлиси баённомасини тасдиқлаб, мазкур жиноят ишини иш юритувидан тугатди. Судланувчи Д.Исаев эса умрининг яна бир неча йилини темир панжара ортида ўтказадиган бўлди.

Шоҳиди бўлганингиздек, ичимликка муккасидан кетиш, оқибатини ўйламаслик охир-оқибат кишининг юзини ерга қаратиб, шаънига доғ туширади. Аслида бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасда, сархуш бўлиб, ақлини йўқотган кимсадан яхшилик кутиб бўладими? Шу маънода умримизни елга учирмай, унинг ҳар бир дақиқасини ғанимат билиб, унумли фойдаланиш ичкиликка муккасидан кетиб, бутун дунёни унутишдан минг марта яхшироқдир.

Ўткир АБДУЛЛАЕВ,
жиноят ишлари бўйича Зарбдор тумани судининг раиси

КУЧ—АДОЛАТДА

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Бўритош МУСТАФОЕВ, Олимжон ИСМАИЛОВ, Шерали РАҲМОНОВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Нуриддинжон ИСМОИЛОВ, Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ, Муҳаммад АЛИ, Омонбой ОҚЮЛОВ, Холмўмин ЁДГОРОВ, Дилбар СУЮНОВА, Юлчибой ТУРСУНБОЕВ, Шоюнус ҒОЗИЕВ, Баҳриддин НАИМОВ

Навбатчи муҳаррир
Отабек САФАРОВ

Саҳифаловчи
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1.
E-m@il: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: 239-02-54, 239-02-55

Буюртма: Г-619. Қоғоз бичими: А-2.
Сотувда эркин нархда. Адади: 6469.
1 2 3 4 Топшириш вақти: 20⁰⁰ Топширилди: 22⁰⁰